



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 1 » апрель

№ ПҚ–5047

**Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил “1” апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–6198-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

**Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастури) 1-иловага мувофиқ;**

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;**

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ;**

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кузатув кенгашининг таркиби 6-иловага мувофиқ;**

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази негизида, унинг белгиланган умумий чекланган штат бирликлари ва иш ҳақи жамғармаси доирасида ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, давлат муассасаси шаклидаги **Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси** (кейинги ўринларда – Миллий офис) ташкил этилсин.

Миллий офиснинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий фаолият натижалари, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар, шу жумладан янги қурилмалар, материаллар ҳамда технологияларни яратиш, жорий этиш, кўпайтириш ва уларни тижоратлаштириш;

тижоратлаштириш имкониятига эга ишланмаларни танлаш, баҳолаш ва жорий этишда фаол қатнашиш, уларни тижоратлаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш, ушбу йўналишда форумлар, халқаро ярмарка ва кўргазмалар ўтказиш;

илмий, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларни ишлаб чиқариш ташкилотлари билан илмий ва инновацион соҳада изчил ҳамкорлигини ривожлантириш;

илмий фаолият субъектларига интеллектуал мулк объектлари ва ноу-хаулардан фойдаланиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш, молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда маркетинг усулларини қўллаш бўйича ўқув ва тренинг курсларини ташкил қилиш;

хорижда ишлаб чиқилган технологиялар трансферини амалга оширишга ва маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш.

### 3. Белгилансинки:

Миллий офис бош директори инновацион ривожланиш вазирининг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Миллий офис бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Миллий офис бош директорининг ўринбосарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари бошлиқлари инновацион ривожланиш вазири томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларининг бошлиқлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларига тенглаштирилади.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Инновацион ривожланиш вазирлигини сақлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, тизим ташкилотлари ҳамда Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ходимларини рағбатлантириш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Миллий офис, Жамғарма, Илмий-техник ахборот маркази, “Яшнобод” инновация технопаркиннинг дирекцияси ва Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 7-уй манзилида жойлаштирилсин.

Бунда:

Миллий офис, Жамғарма, Илмий-техник ахборот маркази, “Яшнобод” инновация технопаркиннинг дирекцияси ва Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи – ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган бинога;

илмий ишланмаларни тижоратлаштириш учун ташкил этиладиган ташкилотлар ҳамда акселерация натижасига кўра Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган стартап ташкилотларнинг маъмурий бошқаруви органлари кўпи билан **бир йил муддатга** – Инновацион ривожланиш вазирлиги биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари барча шарт-шароитларга эга бинога жойлаштирилишини таъминласин.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги **икки ой муддатда**:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисидаги низомни;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

б) қуйидагиларни:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг марказий аппарати ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг штат жадвалини;

Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси уставини тасдиқласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, Инновацион ривожланиш вазирлигига юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги  
давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>I. Илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва глобал рейтинглардаги позицияларини яхшилаш</b>				
1.	Жаҳон банкининг “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш лойиҳаси” доирасида лойиҳаларни амалга ошириш.	1. Жаҳон банки вакиллари билан лойиҳада назарда тутилган маблағларни ўзлаштириш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Дастурга оид тегишли инновацион лойиҳаларни саралаб олиш. 3. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Жаҳон банки маблағларини ўзлаштириш.	2021 йил апрель  2021 йил декабрь 2021–2024 йиллар	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Қудратов), Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари
2.	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг раҳбар ўринбосарига инновацияларни жорий қилиш масалаларини мувофиқлаштириш вазифасини юклаш ва инновацион фаолият бўйича тузилмаларини ташкил этиш.	1. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига инновацияларни жорий этиш (Chief Innovation Officer) вазифасини юклаш бўйича тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларида инновацион фаолият билан шуғулланишга маъсул бўлинмаларни белгилаш.	2021 йил май  2021 йил июнь	Вазирлар Маҳкамаси (О.Умаров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>3. Инновацион фаолият билан шуғулланишга маъсул бўлинмаларнинг мақсад ва вазифаларини назарда тутувчи низомларни тасдиқлаш ҳамда штат бирлиги доирасида мутахассислар билан тўлдириш.</p> <p>4. Инновацион фаолият билан шуғулланишга маъсул бўлинмаларнинг йил якунлари бўйича амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>ҳар йили ҳисобот йили якунидан сўнг</p>	<p>Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари</p>
3.	<p>Ўзбекистон Республикасини 2022–2030 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасини 2022–2030 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2021 йил июнь</p> <p>2021 йил август</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), тизимда олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар</p>
<p><b>II. Ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш ҳамда замонавий инфратузилмасини шакллантириш</b></p>				
4.	<p>Ҳудудий илмий дастурларни ишлаб чиқиш ва илмий лойиҳаларни молиялаштириш тизимини жорий қилиш.</p>	<p>1. Ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мавжуд ташкилий ва технологик муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижалари асосида мавжуд муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган илмий-техник мавзуларни шакллантириш ва ҳудудий илмий ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Дастурлар доирасида илмий-техник лойиҳалар танловларини эълон қилиш ва танлов ғолибларини молиялаштириш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>Доимий</p> <p>Доимий</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
5.	<p>Сурхондарё вилоятининг 2021–2030 йилларда инновацион</p>	<p>1. Сурхондарё вилоятини 2021–2030 йилларда инновацион ривожлантириш концепцияси</p>	<p>2021 йил октябрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.	<p>ва дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишиш.</p> <p>3. Ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов),</p> <p>Фанлар академияси (Б. Юлдашев),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов),</p> <p>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов)</p>
6.	<p>Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида “Қуёнчилик кластерини ташкил қилиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш.</p>	<p>1. Лойиҳанинг инвестицион паспортини ишлаб чиқиш ва Инвестиция порталига жойлаштириш.</p> <p>2. Маҳаллий инвестор билан ҳамкорликда қуёнчилик кластерининг қуёнларни иқлимга генетик мослаштириш хўжалигини ташкил этиш.</p> <p>3. Европадан зотли қуёнлар келтириш ва уларни кўпайтириш учун зарур шароитларни ҳамда селекция тартиботини ташкил қилиш.</p> <p>4. Хорижий ҳамкор билан Ўзбекистонда қуёнчиликни ривожлантиришнинг услубий ва техник дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Қуёнчилик кластери доирасида қуёнчилик хўжаликлари (шу жумладан касаначилик асосида), қуён гўшти ва мўйнасини қайта ишлаш ташкилотини ташкил этиш.</p> <p>6. Қуёнчилик кластерининг озуқа базасини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил август</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси (А.Ибрагимов),</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев),</p> <p>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Норқобилов),</p> <p>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев)</p>
7.	Тошкент вилояти Қибрай тумани ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳудудларида Тошкент шаҳри	1. Тошкент вилояти Қибрай тумани ва Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ҳудудларида зарур ер майдонлари чегаралирини белгилаш.	2021 йил май	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д. Ҳидояттов),

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	ҳокимлиги бўйсунувидаги “Олимлар шаҳарчаси”ни ташкил этиш.	2. “Олимлар шаҳарчаси”ни ташкил этишга қаратилган зарур чора-тадбирлар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил август	Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)
8.	Технологияларни трансфер қилиш миллий ва ҳудудий офисларини мувофиқлаштириш.	1. Мавжуд технологиялар трансфери офислари фаолиятини кўриб чиқиш ва мониторингини ўтказиш. 2. Технологиялар трансфери офисларида илмий ишланмалар ва технологиялар трансфери лойиҳаларини баҳолаш ва уларнинг самрадорлигини ошириш.	2021 йил октябрь 2021 йил декабрь	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев)
<b>III. Илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш</b>				
9.	Хорижий давлатларнинг нуфузли илмий марказлари ва университетларида фаолият кўрсатаётган юқори салоҳиятли ватандош олимлар ҳамда иқтидорли маҳаллий ёш олимларни илм-фан соҳасига жалб этиш мақсадида Миллий лабораторияни ташкил этиш.	1. Миллий лабораторияни ташкил этиш бўйича таклифларни қабул қилиш, танлов асосида саралаб олиш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Халқаро тадқиқот лабораторияларини ташкил қилишда иштирок этишга аризалар танловини эълон қилиш. 3. Танлов ва саралаш натижаларига асосан Миллий лабораторияни ташкил этиш бўйича ғолиб лойиҳаларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш.	2021 йил апрель  2021 йил сентябрь  2021 йил декабрь	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), тизимда олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар
10.	Россия Федерацияси Инновацияларни рағбатлантириш жамғармаси билан ҳамкорлик доирасида “стартап” лойиҳалар танловини амалга ошириш.	1. “Стартап” лойиҳалар танловини эълон қилиш. 2. Лойиҳалар танловининг саралаш босқичини ўтказиш. 3. Саралаб олинган лойиҳаларни молиялаштириш.	2021 йил апрель 2021 йил сентябрь 2021 йил декабрь	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул ижрочилар
<b>IV. Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган илмий лойиҳалар натижадорлигини ошириш, илмий ташкилотларнинг лаборатория базасини янгилаш</b>				
11.	Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашлар фаолияти шаффофлигини ошириш.	1. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини саралаш жараёнига IT-технологиялар ва рақамлаштиришни жорий этиш. 2. Илмий-техник кенгашлар аъзолигига "Хирш" индексида (h-index) оптимал кўрсаткичларга эга бўлган олимларни жалб қилиш.	2021 йил май	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдураҳмонов)
12.	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида халқаро ҳамкорликдаги қўшма илмий лойиҳалар сонини ошириш.	1. Халқаро илмий ва инновация соҳасида ҳамкор давлатлар билан қўшма илмий лойиҳалар танловларини ўтказиш бўйича келишувга эришиш. 2. Қўшма илмий лойиҳалар танловлари механизмларини ишлаб чиқиш. 3. Халқаро ҳамкорликдаги қўшма илмий лойиҳалар танловларини эълон қилиш. 4. Танлов натижаларига кўра қўшма илмий лойиҳаларни молиялаштириш.	2021 йил сентябрь  2021 йил октябрь 2021 йил ноябрь  танлов натижаларига кўра	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдураҳмонов)
13.	Илмий фаолиятнинг нуфузини оширишга оид тарғибот ишларини ташкил этиш.	1. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилишга оид дастур ва режа-жадвал ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган дастур ва режа-жадвални телевидение, радио, газета ва Интернет тармоғидаги сайтлар билан ишлаб келишиш. 3. Оммавий ахборот воситаларида мавзуга доир кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар эълон қилинишини таъминлаш.	2021 йил апрель 2021 йил май  2021 йил июндан бошлаб	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдураҳмонов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), вазирлик ва идоралар
14.	Ишлаб чиқариш тармоқларида илмий-инновацион тадқиқотлар сифати ва натижадорлигини ошириш мақсадида қўшимча лаборатория, шу жумладан ноёб ускуна ва жиҳозлар харид қилиш.	1. Эҳтиёжга кўра замонавий илмий лаборатория асбоб-ускуналари рўйхатини шакллантириш ҳамда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Белгиланган тартибда замонавий илмий лаборатория асбоб-ускуналари харид қилишда амалий ёрдам кўрсатиш.	Доимий  Доимий	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдураҳмонов), “Ўзстандарт” агентлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		3. Лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш фаолиятига халқаро аккредитация олиш.	2021 йил апрель	(Д.Саттаров), манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда натижаларидан тегишли соҳаларда кенг фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	<p>Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. Дастурда қуйидагилар назарда тутилади:</p> <p>мамлакатимиздаги турли илмий ва таълим муассасаларида, музей ҳамда фондларда сақланаётган ноёб қўлёзма ва тошбосма асарларни тизимли ўқиб-ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва илмий муомалага киритиш;</p> <p>ёш тадқиқотчиларни жалб этиш, уларнинг касбий малакасини ошириш, манбашунос ва матншунос кадрлар тайёрлаш;</p> <p>Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш.</p>	2021 йил май	<p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев),</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов),</p> <p>Маданият вазирлиги (О.Назарбеков),</p> <p>Молия вазирлиги (Т.Ишметов),</p> <p>вазирлик ва идоралар</p>
<b>V. Илмий кадрларни тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш ва бошқарув тизимининг шаффофлигини таъминлаш</b>				
16.	Мамлакатдаги ёшларни аниқ фанлар, рақамли технологиялар ҳамда робототехника соҳасидаги интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирлар ташкил этиш.	<p>1. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аниқ фанлар, рақамли технологиялар ҳамда робототехника соҳасини ривожлантириш бўйича танлов шартлари ва низомини ишлаб чиқиш ҳамда ўтказиш.</p> <p>2. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аниқ фанлар, рақамли технологиялар ҳамда робототехника соҳасини ривожлантириш бўйича маҳорат дарслари, семинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил ноябрдан</p> <p>2021–2022 йиллар</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов),</p> <p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов),</p> <p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (А.Жумабоев)</p>
17.	Олимларнинг нашр этиш фаоллиги яқунлари бўйича ҳар йилги “Илм-фан етакчиси” республика танловини ўтказиш.	<p>1. Танловни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ғолибларни Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фахрий ёрлиқлари, тегишли вазирлик</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, (И.Абдурахмонов),</p> <p>Фанлар академияси,</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>ва идораларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. “Илм-фан етакчиси” танлови ғолибларини тегишли соҳалардаги вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p>	2021 йил декабрь	<p>(Б.Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), тизимда олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар бўлган вазирлик ва идоралар</p>
<b>VI. Ёшларни илмий фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш</b>				
18.	<p>Мактабларда ва олий таълим муассасаларида, инновация ва “стартап” маданиятини амалий семинарлар орқали ёшлар онгида шакллантириш ва кенг тарғиб этиш.</p>	<p>1. “Стартап” маданияти тизими, тадбиркорлик кўникмаларини ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда уни ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида мактабларда ва олий таълим муассасаларида мастер-класс тренинглар ўтказиш.</p> <p>2. Тренингларда ўқувчилар, бакалавр ва магистратура босқичи талабалари ҳамда профессор-педагогларнинг фаол иштирокини таъминлаш.</p>	Доимий	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов)</p>
19.	<p>Ёшлар академияси аъзолари фаолият юритиши учун қўлай шароитлар яратиш ва уларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш.</p>	<p>1. Ёшлар академияси аъзолари учун ҳар йили “стартап” ва ташаббускор лойиҳалар танловини ташкил қилиш.</p> <p>2. Ёшлар академияси аъзоларини нуфўзли хорижий илмий марказ ва ташкилотларга мақсадли ҳамда тизимли равишда илмий стажировкаларга юборишни ташкил этиш.</p>	Мунтазам равишда	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), тизимда олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар бўлган вазирлик ва идоралар</p>
20.	<p>Хорижий етакчи компанияларнинг малакали мутахассислари ёрдамида олимлар ва мустақил изланувчиларга янги қурилиш материалларини яратиш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги кўникмаларини шакллантириш ва оширишга қаратилган илғор технологияларни</p>	<p>1. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги қурилиш материалларини яратиш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги кўникмаларини шакллантириш ва оширишга қаратилган танлов ташкил этиш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Танлов шартларини ишлаб чиқиш ва манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ҳайъат таркибини шакллантириш.</p>	<p>2021 йил май</p> <p>2021 йил июнь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров), “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси (А.Баходиров),</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул ижрочилар
	қўллаш бўйича Миллий онлайн-танлов ташкил этиш.	3. Миллий онлайн-танловни эълон қилиш. 4. Иштирокчилардан аризаларини электрон тарзда қабул қилиш ва танловни ўтказиш.	2021 йил август 2021 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус вазирлиги (А.Тошқулов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (А.Жумабоев), тизимида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар
<b>VII. Тармоқ илмий-тадқиқотларини ривожлантириш, илм-фанни ишлаб чиқариш билан интеграциясини мустаҳкамлаш</b>				
21.	Республикада R&D (тадқиқот ва ривожланиш) дастурлари асосида тадқиқотларни ривожлантириш стратегиясини ҳамда тармоқларда тадқиқот ва ривожлантириш фаолиятини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	1. Тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларини кенг жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. Тармоқларда R&D тадқиқотларини ташкил этиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш. 3. Республикада R&D (тадқиқот ва ривожланиш) дастурлари асосида тадқиқотларни ривожлантириш стратегиясини ҳамда тармоқларда тадқиқот ва ривожлантириш фаолиятини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. 4. Чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил октябрь 2021 йил октябрь 2021 йил декабрь 2022 йил апрель	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев)
22.	Замонавий ва юқори технологияларга асосланган, импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган технологиялар трансферини амалга ошириш	1. Замонавий ва юқори технологияларга асосланган, импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ўрганиш. 2. Технологиялар трансфери фаолиятини ташкил этиш.	Доимий	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), тармоқ ташкилотлари
23.	2021–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни	1. Тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларини кенг жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2021 йил октябрь 2021 йил	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш	<p>2. Мамлакатда сунъий интеллектнинг ривожлантириш имкониятлари ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш.</p> <p>3. Сунъий интеллектни ривожлантиришга қаратилган асосий йўналишларни белгилашда тегишли иқтисодий ва ижтимоий соҳалар тармоқлари мутахассислари иштирокида “Форсайт” тадбирларини ўтказиш.</p> <p>4. 2021–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Стратегияни тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжат лойиҳасини вазирлик ва идоралар билан келишиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов),</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)</p>
24.	Иқтисодиёт тармоқларида мавжуд муаммоларнинг илмий-техник ва инновацион ечимларига қаратилган лойиҳа мавзуларини шакллантириш ва илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида эълон қилиш учун киритиш.	<p>1. Иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни ўрганиш.</p> <p>2. Илмий ечимга эга муаммолардан илмий-техник лойиҳалар мавзуларини шакллантириш.</p> <p>3. Шакллантирилган лойиҳалар мавзуларини илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида эълон қилинадиган танловларга киритиш.</p>	Доимий	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдураҳмонов)
<b>VIII. Янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш</b>				
25.	Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги “Илм-фанни тижоратлаштириш” лойиҳасини амалга ошириш.	<p>1. Жаҳон банкнинг 50 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳини юқори малакали кадрлар билан бутлаш.</p> <p>2. Лойиҳаларни бошқариш гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш ва лойиҳалар танлови бўйича халқаро экспертлар кенгаши ва технологиялар трансфер офисини ташкил этиш.</p> <p>3. Жаҳон банки томонидан белгиланган имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил Апрель–июнь</p> <p>2021–2025 йиллар</p>	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдураҳмонов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
26.	Болаларда илм-фан соҳасига бўлган қизиқишни уйғотиш мақсадида “Science for kids” платформасини кенг миқёсда жорий этиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Болалар учун илм-фан соҳасига қизиқиш ўйғотиш ва аниқ фанларнинг амалий аҳамияти тарғиботини интерактив машғулотлар орқали амалга ошириш.</li> <li>2. Мактаб ўқувчиларини платформа доирасида ўтказиладиган тадбирларга кенг жалб қилиш.</li> <li>3. Таълим муассасаларида онлайн ва сайёр машғулотларни ташкил этиш.</li> </ol>	Доимий	Инновацион ривожланиш вазирлиги <i>(И.Абдурахмонов),</i> Халқ таълими вазирлиги <i>(Ш.Шерматов),</i> Мактабгача таълим вазирлиги <i>(А.Шин),</i> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
27.	Миллий Wi-Fi тармоқларни бошқариш тизими Hotspot дастури доирасида Навоий шахрининг марказий кўчаларида, жамоат ва кўнгилочар масканларида Wi-Fi тармоғини жорий этиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Дастур яратиш ва бепул интернетни хавфсиз тарқатиш модулини ишга тушириш.</li> <li>2. Android ва iOS дастурий таъминотлари учун иловалар ишлаб чиқиш.</li> <li>3. Дастурнинг hotspot.uz расмий веб-сайтини ишга тушириш.</li> <li>4. Лойиҳа доирасида Wi-Fi қурилмаларини ўрнатиш.</li> </ol>	2021 йил сентябрь  2021 йил ноябрь  2021 йил декабрь	Инновацион ривожланиш вазирлиги <i>(И.Абдурахмонов),</i> Навоий вилояти ҳокимлиги <i>(Қ.Турсунов),</i> Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги <i>(Ш.Содиқов)</i>
28.	Илмий ишланмалар ва технологияларни тижоратлаштириш ишларини амалга ошириш.	Тижоратлаштирилаётган инновацион ишланмаларни 150 тага етказиш, олиб борилган ишлар натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий қийматини 40 млрд сўмга етказиш	2021 йил май	Инновацион ривожланиш вазирлиги <i>(И.Абдурахмонов),</i> Фанлар академияси <i>(Б.Юлдашев),</i> тармоқ вазирлик ва идоралари
29.	Янги истиқболли йўналишлар бўйича “стартап” ҳамда олимларнинг ташаббускор илмий лойиҳалари танловини амалга ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташаббус доирасида “стартап” лойиҳалар танловини эълон қилиш.</li> <li>2. Лойиҳалар танловининг саралаш босқичини ўтказиш.</li> <li>3. Саралаб олинган лойиҳаларни молиялаштириш.</li> </ol>	2021 йил октябрь 2021 йил декабрь 2022 йил февраль	Инновацион ривожланиш вазирлиги <i>(И.Абдурахмонов)</i>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул ижрочилар
<b>IX. Янги инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш ва инновацион фаолият субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш</b>				
30.	Андижон вилоятидаги “Инновацион полигон”ни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.	<p>1. Қишлоқ хўжалиги инновацион полигони учун халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш.</p> <p>2. Инновацион полигон учун зарур замонавий асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ишга тушириш.</p> <p>3. Илмий-техник ва қишлоқ хўжалиги бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрлар билан полигон штатларини тўлдириш ва кадрларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил август</p> <p>2021 йил Декабрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов)</p>
31.	Кимё йўналишида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасаларидаги мавжуд лабораторияларни халқаро стандартларга (GLP ва GMP) мос равишда модернизация қилиш ва Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳудудида GLP клиниколди тадқиқотлар марказини ташкил этиш.	<p>1. Кимё йўналишида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасаларидаги мавжуд лабораторияларни халқаро стандартларга (GLP ва GMP) мос равишда модернизация қилиш учун хорижий грантларни жалб қилиш бўйича ишларни ташкил этиш.</p> <p>2. Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳудудида GLP клиниколди тадқиқотлар маркази фаолиятини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил май</p>	<p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев),</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)</p>
32.	Илмий лойиҳаларни молиялаштириш ва ҳисобини юритишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажариладиган давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида лойиҳаларни амалга оширишни режалаштириш, молиялаштириш ва харажатларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом;</p>	<p>2021 йил май</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов),</p> <p>Фанлар академияси (Юлдашев),</p> <p>Молия вазирлиги (Ишметов),</p> <p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>


Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул ижрочилар
		Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат илмий ташкилотларини базавий молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом.		
33.	Миллий ғўза генофонди коллекцияси маркази, Микроорганизмларнинг миллий коллекцияси маркази ва Миллий биологик фаол моддалар банкни ташкил этиш.	1. Миллий ғўза генофонди коллекцияси маркази, Микроорганизмларнинг миллий коллекцияси марказининг ва Миллий биологик фаол моддалар банки ташкил этиладиган Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларни аниқлаш. 2. Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил апрель  2021 йил май	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)
34.	Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳудудида замонавий Тиббиёт кимё ва нозик органик синтез лабораториясини ташкил этиш	Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳудудида замонавий Тиббиёт кимё ва нозик органик синтез лабораториясини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил май	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)
35.	Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида “Биоорганик кимё” ва “Органик моддалар физик-кимё анализи” илмий лабораторияларини ташкил этиш ва Жанубий Оролбўйи зоология музейи ва гербарийсини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш	1. Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида “Биоорганик кимё” ва “Органик моддалар физик-кимё анализи” илмий лабораторияларини ташкил этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Жанубий Оролбўйи зоология музейи ва гербарийсини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил апрель  2021 йил май	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)



## Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ




### Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 114 нафар, шундан 20 нафари Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.  
Ўрдамчи ва техник ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.


**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Изоҳ.** Ҳар бир ҳудудий бошқарма бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 4 нафардан.  
Ёрдамчи ва техник ходимлари сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 1 апрелдаги ПҚ–5047-сон қарорига  
5-илова

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг  
ТУЗИЛМАСИ**



*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 22 нафар.*

*Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 1 апрелдаги ПҚ–5047-сон қарорига  
6-илова

**Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси кузатув кенгашининг  
ТАРКИБИ**

1. О.М. Умаров – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи, *Кузатув кенгаши раиси*
2. И.Ю. Абдурахмонов – инновацион ривожланиш вазири, *Кузатув кенгаши раиси ўринбосари*
3. Б.С. Юлдашев – Фанлар академияси президенти
4. А.Х. Тошқулов – олий ва ўрта махсус таълим вазири
5. А.М. Хаджибаев – соғлиқни сақлаш вазири
6. И.И. Норқулов – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари
7. Ж.И. Аброев – молия вазири ўринбосари
8. И.И. Насриев – Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси
9. Б.А. Охунов – Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси дирекциясининг ижро этувчи директори

**Изоҳ.** *Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

## **Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган миллий ва хорижий валютадаги депозит ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

### **2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва уларни сарфлаш йўналишлари**

4. Жамғарма маблағлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига патент божлари, йиғимлар ва солиқ тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлардан келиб тушган маблағларнинг 78 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ҳамда илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини бажариш учун ажратилган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг чет эл валютасидаги маблағлари Агентлик томонидан Жамғарманинг ҳисобварақларига ҳар ойда валютанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача ўтказилади.

Жамғармага келиб тушадиган бошқа маблағлар тегишли ҳисобварақларга валютанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ўтказилади.

6. Жамғармага маблағлар келиб тушишини ва сарфланишини назорат қилиш Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

7. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

инновацион фаолият субъектлари томонидан инновацияларни яратиш ва уларни жорий қилишни танлов асосида молиялаштириш;

илмий-тадқиқот, инновацион, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларини танлов асосида молиялаштириш;

илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштиришни молиялаштириш;

илмий лабораторияларни замонавий юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни (патентларни) хорижда рўйхатдан ўтказиш ва патентни сақлаб туриш харажатларини қоплаш;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи электрон илмий маълумотлар базаларидан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, халқаро нашрларда илмий натижаларни чоп этишга тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси (кейинги ўринларда – Ёшлар академияси) фаолиятини ташкил этиш ва унинг асосий вазифаларини рўёбга чиқариш тадбирларини, шу жумладан илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторларнинг ташкил этиш, иқтидорли ёшларнинг ривожланган

давлатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш ташкилотларида малакасини ошириш, илмий-амалий тадбирлар (симпозиум, конференция, семинар, тренинг, давра суҳбатлари, мастер-класслар ва бошқалар) ташкил этиш ҳамда уларнинг халқаро илмий-амалий тадбирларда қатнашиш харажатларини молиялаштириш;

ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий ташкилотлардаги (марказлар, университетлар ва бошқалар)даги илмий стажировкаларини молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан жалб қилинаётган юқори малакали хорижий давлатлар мутахассисларининг харажатларини (меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) молиялаштириш;

Вазирликнинг Илмий-техника ахборот марказини, нашриётини, шунингдек, Вазирлик қарорига биноан ташкил этиладиган илмий кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича идоравий илмий ҳамда ўқув марказларини, маслаҳат ва ахборот марказларини, илмий лабораторияларни уларнинг хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Жамғарма Ижро этувчи дирекциясини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, шу жумладан уларнинг ходимлари малакасини ошириш ва хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари харажатларини молиялаштириш;

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари ҳамда Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш;

бошқа тадбирларни, шу жумладан Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш.

8. Жамғарма томонидан мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилмаган тадбирларни молиялаштириш Жамғарма Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.



### **3-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш**

9. Жамғармадан пул маблағларини ажратиш Жамғарманинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

10. Қуйидагилар:

инновацион фаолият субъектлари томонидан инновацияларни яратиш ва уларни жорий қилиш тадбирлари Вазирлик ҳайъати қарорлари ва тегишли буйруқлари билан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ молиялаштирилади;

илмий-тадқиқот, инновацион, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳалари белгиланган тартибда ўтказилган танловлар натижаларига кўра Вазирлик, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ва лойиҳа ташаббускори ўртасида тузиладиган шартномалар асосида молиялаштирилади;

илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш бўйича лойиҳалар белгиланган тартибда Вазирлик томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига кўра Вазирлик, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ва лойиҳа ташаббускори ўртасида тузиладиган шартномалар асосида молиялаштирилади;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш – Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси, тегишли буюртманома берган илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси ва хорижий патент идораси (патент идораси агенти) ўртасидаги уч томонлама шартнома асосида амалга оширилади;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи электрон илмий маълумотлар базаларидан эркин фойдаланишини таъминлаш бўйича харажатларни тўлаш – Вазирлик, Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси ва маълумотлар базасининг эгаси бўлган муассаса ўртасида тегишли маълумотлар базасига обуна бўлиш ҳақида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади;

халқаро нашрларда илмий натижаларни чоп этишга тайёрлаш (Proof reading service) харажатлари Вазирлик, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ва халқаро нашрларда мақолаларни чоп этишга тайёрлаш хизмати ўртасида тузиладиган шартномага асосан қопланади;

Ёшлар академиясининг фаолиятини ташкил этиш ва унинг асосий вазифаларини рўёбга чиқариш тадбирлари Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида Вазирликнинг буйруқлари билан тасдиқланадиган харажатлар сметасига асосан молиялаштирилади;

ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар) илмий стажировкалари бўйича харажатларни тўлаш – Вазирлик, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси, ходими ёш олим ҳисобланадиган илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) ҳамда етакчи хорижий илмий ташкилот ўртасидаги шартнома билан тартибга солинадиган илмий стажировка шартлари, талаблари ва муддатларига мувофиқ амалга оширилади;

Вазирлик томонидан жалб қилинаётган юқори малакали хорижлик олимлар ва мутахассисларнинг харажатлари (меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) вазирлик ва хорижий давлат мутахассиси ўртасида тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида молиялаштирилади;

Вазирликнинг Илмий-техника ахборот маркази, нашриёти, шунингдек, Вазирлик қарорига биноан ташкил этиладиган илмий кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича идоровий илмий ҳамда ўқув марказлари, маслаҳат ва ахборот марказлари, илмий лабораториялар уларнинг хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметасига асосан молиялаштирилади.

11. Илмий лабораторияларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш бўйича:

Вазирлик хорижий етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни белгиланган тартибда танлаш асосида улар билан товар етказиб беришга (шу жумладан зарурат бўлганда, товарни илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасига етказиб бериш, ишга тушириш-созлаш ва бошқа ўзига хос ишларни амалга оширишга) тегишли контрактларни тузади;

тузиладиган контрактларда Вазирлик “Буюртмачи”, Жамғарма ижро этувчи дирекцияси “Молиялаштирувчи”, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи “Етказиб берувчи” ва тегишли илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси “Қабул қилувчи” (фойда кўрувчи) томонлар сифатида

қатнашади. Жамфарма Ижро этувчи дирекцияси тўловларни тузилган контрактларда белгиланган валюта бирлигида молиялаштиради;

Вазирликдан товарни қабул қилиб олиш буюртманомани берган тегишли илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси томонидан бепул амалга оширилади.

Бунда, товар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари Жамфарма ижро этувчи дирекциясига Вазирлик томонидан тақдим этилади.

12. Бепул асосда олинган илмий асбоб-ускуна, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъулият тегишли илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, илмий лаборатория асбоб-ускуналари, шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан мустақил равишда ҳам харид қилиниши мумкин.

Бундай ҳолатларда, маблағлар белгиланган тартибда ўтказилган танлов (тендер) савдолари якунларига кўра тузилган шартномаларга асосан илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг тегишли ҳисобварақларига ўтказилади.

14. Жамфарма маблағларини сарфлаш Жамфарма даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган сметасига мувофиқ унинг ҳисобварақларидан амалга оширилади.

15. Жамфарма Ижро этувчи дирекцияси Жамфармага ажратилган маблағлардан фойдаланилиши ва кейинги ҳисобот даврида кутилаётган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни Кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилишига кўриб чиқиш учун киритади.

16. Жамфарманинг ўтган йилда ишлатилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва жорий йилда ушбу Низомда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

#### **4-боб. Жамфарма фаолиятини ташкил этиш**

17. Жамфармани бошқариш Жамфарма Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

18. Жамғарма Кузатув кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан тасдиқланади.

Жамғарма Кузатув кенгашининг аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Жамғарма Кузатув кенгаши раиси зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

19. Жамғарма Кузатув кенгаши бир йилда камида бир марта мажлис ўтказади. Зарур ҳолларда, Жамғарма Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари чақирилиши мумкин.

20. Жамғарма Кузатув кенгаши мажлиси унда Кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Жамғарма Кузатув кенгашининг қарори иштирок этувчи аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Жамғарма Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

21. Жамғарма Кузатув кенгаши:

ҳар йили Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасини, шунингдек, Жамғармага тушган ва сарфланган маблағлар бўйича ҳисоботни тасдиқлайди;

илмий лабораторияларни замонавий юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш рўйхатини тасдиқлайди;

Вазирлик томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра, етакчи хорижий илмий ташкилотлар (марказлар, университетлар ва бошқалар)га илмий стажировкаларга юбориладиган ёш олимларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таклифлари асосида илмий фаолият бўйича давлат дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларига (патентларга) бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун уларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

етакчи хорижий электрон илмий маълумотлар базаларидан эркин фойдаланиш учун талаб этиладиган харажатларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплашни назарда тутган ҳолда Вазирлик таклифлари асосида маълумотлар базаси рўйхатини тасдиқлайди;

Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг штат жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Жамғармага хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда ҳомийлик хайрияларини жалб қилишда кўмаклашади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларини жалб қилади;

Жамғарма даромадларини тўлиқ шакллантириш ҳамда маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан Жамғарма фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Жамғарманинг жорий фаолиятига, шу жумладан маблағларнинг тўпланиши ва сарфланишига раҳбарлик Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

23. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ижро этувчи директор раҳбарлик қилади.

Ижро этувчи директор мақоми ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

24. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
маблағлар ажратишга келиб тушган буюртмалар бўйича маълумотлар олиш;

Жамғармага ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини мониторинг қилиш;

маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган ҳолларда молиялаштиришни тўхтатиб туриш, кейинчалик ушбу масалани Жамғарма Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритиш;

миллий ва хорижий валютада ҳисобварақлар очиш ва юритиш, белгиланган тартибда улар бўйича тегишли операцияларни амалга ошириш;

Жамғарма Кузатув кенгаши раисининг розилиги билан бўш маблағларни Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида депозитларга жойлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Жамғарма Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ, давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларида бўйича молиялаштирувчи тараф, шунингдек, грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги тушумлар юзасидан ижро этувчи орган сифатида иштирок этиш;

Жамғарма Кузатув кенгашининг қарорларига асосан илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштиришда шерик сифатида қатнашиш. Бундай ҳолларда шериклик шартлари шартномада белгиланади.

25. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси ҳисобини юритиш, шунингдек, улар бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни шакллантириш;

даромадлар ва харажатлар сметасида назарда тутилмаган қўшимча маблағларни ажратиш бўйича келиб тушган буюртмаларни тўplash, уларни умумлаштириш ва Жамғарма Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун тайёрлаш;

Жамғарма Кузатув кенгаши қарорларини ўз вақтида ижро этиш;

Жамғармага ажратилган маблағларнинг фойдаланилишини мониторинг қилиш;

Жамғарма маблағларининг келиб тушиши ва ундан фойдаланилиши бўйича ҳисоботларни Кузатув кенгашига тақдим этиш.

26. Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек, унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

27. Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ҳар йили Жамғарма Кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этади.

28. Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг таъминоти Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш (устама, қўшимча ҳақ, ойлик мукофотлар ва бошқалар) Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

29. Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг директори:

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва Жамғармага юклатилган вазифалар бажарилишини таъминлайди;

Жамғарма ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатларнинг давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар олдида Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

юридик ва жисмоний шахслар билан Жамғарма фаолиятига тегишли шартномаларни тузади, Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради;

Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун Жамғарма Кузатув кенгашига тақдим этади;

Жамғарманинг лавозим йўриқномалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлайди;

Жамғарма номидан судга даъво аризалар тақдим этади;

Жамғарма ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Жамғарма маблағларининг жамланиши ва сарфланиши масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

ушбу Низом ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

30. Жамғарма дирекциясининг ижро этувчи директори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек, унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш**

31. Жамғарма маблағларининг келиб тушиши ва ундан фойдаланилишининг бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек, ҳисоботларни тузиш Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ҳар йили Жамғарма фаолиятининг аудиторлик текширувини ўтказди ва унинг хулосасини Жамғарма Кузатув кенгашига киритади ҳамда оммавий ахборот воситаларида ҳисобот эълон қилади.

33. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назорати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Жамғарма маблағларидан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ мақсадли фойдаланилиши учун масъулият Жамғарма дирекциясининг ижро этувчи директори зиммасига юкланади.

## **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

35. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

